

Автомобилларга техник хизмат курсатиш ҳамда
эҳтиёт қисм билан таъминлаш буйича
ШАРТНОМА № 18

« 05 » Инвар 2022 й.

Андижон шаҳар

Шартнома тузиб, имзо қуювчилар бир томондан «Андижон «Автотеххизмат» МЧЖ номидан низоми асосида бошқарув раиси С.Жалилов келгусида «Бажарувчи» деб номланади, иккинчи томондан Андижон аэропорти номидан бош директор Кенжаев С.А. келгусида «Буюртмачи» деб номланади, ушбу шартномани қуйидаги мазмунда тузадилар.

I. ШАРТНОМАНИ МАЗМУНИ.

- 1.1. «БАЖАРУВЧИ» томонидан «БУЮРТМАЧИ» нинг автомобилига, эҳтиёт қисм урнатиб, техник хизмат курсатилиши, барча хизмат ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, «Буюртмачи» эса етказиб берилган маҳсулотлар ва курсатилган хизмат сифатини тула қафолатланган ҳолда қабул қилади.

II. Курсатилган хизмат буйича ҳисоб-китоб тартиби.

- 2.1. Ҳисоб-китоб «Буюртмачи» томонидан «Бажарувчи» ҳисоб рақамига пул ўтказиш йули билан бажарилади. Тулов тартиби «Бажарувчи» томонидан бериладиган носозлик далолатнома суммасининг 30% олдидан тулов ва қолган 70% тулов ушбу шартноманинг 2.3 бандига асосан амалга оширилади.
- 2.2. «Буюртмачи» узаро ҳисоб-китоб ўтказишда ККС қушилган ҳолда «Бажарувчи» томонидан берилган ҳисоб-фактурага асосан ҳисоб-китоб қилинади.
- 2.3. «Буюртмачи» етказиб берилган маҳсулотлар ва курсатилган хизмат сифатини тула қафолатланган ҳолда қабул қилган кундан бошлаб 5 банк иш кўни ичида туловни амалга оширади.

III. Томонларнинг мажбуриятлари.

- 3.1. «Бажарувчи» шартноманинг I-бўлими 1.1 бандига курсатилган хизмат турларини талабга жавоб берадиган ҳолатда «Буюртмачи»га етказиб бериши қафолатини олади.
- 3.2. Маҳсулот учун ҳисоб-фактура ёки қонунда белгиланган бошқа ҳужжатлар тақдим қилиниши шарт.
- 3.3. Маҳсулот сифати давлат стандарти ёки белгиланган талабларга жавоб бериши шарт.

IV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

- 4.1. Шартнома мажбуриятлари юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган айбдор томон етказиб бериши лозим бўлган маҳсулот қийматидан ёки курсатилган хизмат турлари учун туланиши лозим бўлган қарз суммасидан ҳар бир кечиктирилган кўни учун 0,4 фоиз миқдорида пеня тулайди.
- 4.2. Шартнома мажбуриятлари юзасидан «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун талаблари қўлланилади.

V. Қўшимча шартлар.

- 5.1. Шартномани бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнида тарафлар ўртасида низолар келиб чиққан тақдирда, бу низолар юзасидан томонлар қелишувга эришмасалар иқтисодий суд орқали ҳал этилади.
- 5.2. Шартнома икки нусхада тузилади, ҳар иккиси ҳуқуқий жиҳатдан тенг қучга эга бўлиб, шартнома «31» Декабр 2022- йилгача амалда бўлади.
- 5.3. Шартномани 4.2 бандига курсатилган Қонунни 21- моддаси талабларига риоя қилиниши шарт.
- 5.4. Эҳтиёт қисмлар нархида ўзгариш бўлганда томонлар ўртасида қўшимча шартнома орқали қайта имзоланади.

VI. Форс-Мажор ҳолатлари

- 6.1. Бартараф қилиб бўлмайдиган қучларнинг мажбурилиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзб.Респ.Хукуматининг шунга ид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади. Агарда бартараф қилиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида шартнома мажбуриятлари бажарилишига тусеик бўлган тақдирда томонлар жавобгарликдан озод қилинадилар.


ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«БАЖАРУВЧИ»

Андижон «Автотеххизмат» МЧЖ
Андижон шаҳар Халқа кўча-1 уй
Х/р 2020 8000 1001 7707 7001
МФО : 00069 ИНН: 200 239 749
Асакабанк Андижон филиали
ОКОНХ: 71 500
Бош директор: С. Жалилов
тел. 95 203-04-40



«БУЮРТМАЧИ»



тел: 95 203-04-40 Кенжаев С.А.